

Худхуд қушининг ажойиботлари



11:00 / 02.07.2020 9597

Худхуд – бизнинг тилда попишак дейилади. У Қуръони Каримда зикр қилинган қушлардандир. Унинг Сулаймон алайҳиссалом билан бўлиб ўтган қиссаси машҳурдир. Қиссадан унинг заковати, омонатдорлиги, маълумотни етказишдаги фаросати, тавҳидга ҳарислиги маълум бўлади.

Ўша қиссада Худхуд Сабаъ мамлакати, ўша мамлакатга бир аёл маликалик қилиши, малика ўз қавми билан Қуёшга сиғинаётгани ҳақида хабар келтиради. Сулаймон алайҳиссалом Худхуд орқали ўша маликага бир мактуб юборадилар. Мактубда **«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг»** деб ёзилган эди.

Мактубни ўқиган малика ўз аёнлари билан маслаҳатлашади. Аёнлар унга истаган ишини қилишини, нима деб буйруқ берса, улар шунга рози

бўлишларини айтадилар. Малика Сулаймон алайҳиссаломга ҳадя юбориб, натижаси нима бўлишини кутади. Элчи Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳузурларига келганида, у зот: **«Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз. (Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор. Бас, албатта, Биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарурмиз»** дейдилар.

Кейин малика Сулаймон алайҳиссаломнинг олдиларига қўшини билан келишга қарор қилади. Малика келгунича унинг Сабаъдаги тахти ўзидан олдин олиб келиб қўйилади. У келиб тахтини кўради-да **«Худди ўшанинг ўзи»** дейди. Кейин унга саройга кириши айтилганда, у биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройга киради ва **«Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон ила оламларнинг Робби - Аллоҳга мусулмон бўлдим!»** деб айтади.

Шу тариқа Худҳуд бир мамлакат аҳолисининг мусулмон бўлишига сабабчи бўлади.

Худҳуднинг ўзига хос жиҳатлари бор.

Аввало у юқорида айтганимиздек, Қуръони Каримда исми зикр қилинган қушлардан.

У вафодор қуш саналиб, бир марта уйланади. Урғочи худҳудга уйланиш таклифини билдирмоқчи бўлса, бошидаги тожини ёйган ҳолда тумшуғида барг ё ҳашарот ёки қурт олиб келади. Кейин уни урғочига маҳр сифатида узатади. Агар урғочи ўша ҳадяни еса, таклифни қабул қилган бўлади. Кейин эркак худҳуд урғочини ўзи қурган инга таклиф этади. Ин одатда дарахт ковагида қурилган бўлади. Агар урғочи инга киришга рози бўлса, жуфтлашиш содир бўлади. Шундан сўнг урғочи худҳуд бештадан еттитагача тухум қўяди. Полапонлар тухумдан чиққач, ота-она навбатлашиб болаларини овқатлантиришади.

Худҳуд вафодор қушки, бирор жойда овқат ёки сув топса, урғочисини чақиради. Овқатни бир ўзи емай, жуфти билан ейди. Агар жуфтини топа олмаса, сайраганча уни қидириб юради. Агар жуфти вафот этса, ҳар гал уни эслаганда, сайраб, хотирлайди. Жуфти билан бирга учган маконларига боради. Бошқа урғочи билан жуфтлашмай, умрининг охиригача сайраб юради.

Худхуд танасининг олтидан бирини тумшуғи ташкил этиб, тумшуқ ердаги курт ва ҳашаротларни тутишга мослашган.

Худхудда бошқа қушларда учрамайдиган бир хусусият бор: ер остидаги сув бор жойларни сезиш. Худхуднинг замонавий номларидан бири – «сув муҳандиси»дир.

Худхуд минглаб километр масофаларга қийналмай, чанқамай, оч қолмай уча олади. Бу қуш ўртача 10 йил яшайди. Бошқа кўп қушлар каби у ҳам муҳожир қушлардан саналади. Илиқ ҳаволи минтақаларни ёқтиради. Шу боис қишда шимолдан жанубга учиб кетади. Худхуд тез учадиган қушлардандир. Баъзан бургут каби йиртқичларнинг ўлжасига айланади.

У денгиз сатҳидан 1500 метр баланд бўлган жойларда, боғлар, шаҳару қишлоқларга яқин ерларда яшайди. Овқатлари асосан личинкалар, куртлар ва ҳашаротлар бўлади. Шу боис уни “деҳқонлар ёрдамчиси” ҳам дейилади.

Худхуд тозаликсевар қуш бўлиб, у кўпроқ покиза, турли заҳарли кимёвий газлар ва моддалардан холи бўлган ҳудудларда яшашни ёқтиради. У хавфни сезса, бошидаги тожини тикка қилиб, омонлик пайтида тожини тушириб олади. Агар ўзига ёки болаларига нисбатан душман хавфини сезса, думи остиги безлардан қора рангли бадбўй суюқлик чиқаради. Аллоҳ таоло уни ўткир кўриш қуввати билан жиҳозлаган. У сувни узоқдан кўради. Араблар кўзи ўткир одамларни «Унинг кўзи худхудникидан ҳам ўткир» деб айтадилар.


Кейинги ўрганишлардан маълум бўлишича, худхуд почтачилик хизматини маҳоратли бажариб, мактубни керакли манзилга етказишда кабутарлардан кўра аниқ ва тезкорроқ экан.

Аллоҳ таоло бу жонзотни ана шундай имконият ва хусусиятлар билан яратган. Булар бизга маълум бўлгани. Маълум бўлмаганлари жуда ҳам кўпдир.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади